O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI INV.№

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ◆ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2001 йил 28 февраль, чоршанба • №17 (11.302) • Эркин нархда сотилади



# ҲАР БИРИМИЗ МАСЪУЛМИЗ

**Ободончилик, кўкаламзорлаштириш ҳамда коммунал хизматни яхшилашга бағишланган вилоят фаоллари йиғилишидан**

**Кеча Ўртачирчиқ туманидаги Охунбобоев номли хўжаликнинг Маданият саройида Вазирлар Маҳкамасининг «Наврўз байрами муносабати билан мамлакатимизда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлигини ўтказиш тўғрисида»ги қарори ва вилоятда аҳолига коммунал хизмати кўрсатишни яхшилаш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган вазифаларга бағишланган фаоллар йиғилиши бўлиб ўтди.**



Йиғилишга шаҳар ва туманларнинг ҳокимлари, хотин-қизлар қўмиталари раислари, вилоят бошқармалари, ташкилотларнинг раҳбарлари, ички ишлар ходимлари, қишлоқ фуқаролари йиғинларининг раислари, маҳалла оқсоқоллари таклиф этилди.

Йиғилишни вилоят ҳокими Уммат Мирзақулов олиб борди.

Ҳоким Вазирлар Маҳкамасининг муҳим қарори моҳиятини яна бир бор эслатиб ўтди. Кун тартибидаги масалалар яъни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ҳамда вилоятда коммунал хизматнинг аҳволи, бу соҳадаги ишларни яхшилаш юзасидан кўриладиган зарур чора-тадбирлар тўғрисида мутасаддиларнинг маърузалари тингланди.

— Мажлисда кўрилган масалалар бўйича рўйхат асосида сўзга чиқилмайди. Очиқчасига мулоқот бўлади, — деб айтди ҳоким. — Қаерда намунали ишлар қилинган, тажрибалар бор бўлса, айтинглар, дарду-ҳасратларингизни ҳам яширманглар. Камчилик ва хатоларни рўй-рост ўртага ташланглар.

Бу таклиф йиғилиш қатнашчиларига маъқул бўлди. Шундан сўнг мунозара, баҳс, савол-жавобларга ўтилди.

Р. Р. Шредер номли «Мева-шарбат» боғдорчилик ва узумчилик илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг директори Мирмақсуд Мирзаев сўзга чиқиб, қарорда институт жамоаси зиммасига ҳам катта ва масъулиятли вазифа юклатилганлигини айтди. Жамоа бу вазифани бажариш учун астойдил меҳнат қилмоқда.

— Биз янги мавсумга 3 миллион 900 минг туп ҳар хил мевали ва манзарали дарахт кўчатлари тайёрладик, — деди у. — Шунингдек, 1 миллион 900 минг туп сархил ток кўчатлари жамғардик. Айни кунларда бу кўчатларни тарқатиш қизғин бормоқда.

Фурсатдан фойдаланиб, мен жамоамизни ташвишлантираётган бир муаммо ҳақида айтмоқчиман. Гап шундаки, кўчат етиштириш учун катта меҳнат сарф бўлади. Афсуски, айримлар бу ҳақда ўйламайдилар, лоқайдлик қиладилар. Улар «биз шунча кўчат олдик, бунча кўчат экдик», деб ахборот беришни яхши кўрадилар-у, кўчат экилгач, қарамай, ташлаб қўядилар. Айниқса, мактаблар, турли жамоат ташкилотлари атрофларидаги, йўл чеккаларига экилган кўчатлар юлдуз кўрмай жон беради. Ахир бу инсофдан эмас! Ўтган йили биз вилоятимизнинг катта кўчалари чеккасига экиш учун қанчадан-қанча кўчат етказиб берган эдик. Афсуски, бу кўчатларга қаралмади ва оқибатда қуриб, синиб, ҳатто, талон-тарож қилиниб, йўқ бўлиб кетди. Мен фаоллар экилган кўчатларнинг тутиб кетиши тўғрисида алоҳида ғамхўрлик қилишларини истардим. Қолаверса, қаерга, қандай кўчат экишни ҳам билиш керак!

Йиғилишда туманлардаги сайилгоҳлар, истироҳат боғларига эътибор яхши эмаслиги, кўп жойларда улар ташландиқ ҳолга келиб қолганлиги мисоллар билан айтилди. Энди бунга йўл қўйиб бўлмайди, деб таъкидланди йиғилишда. Ҳар бир туман ўзининг намунали истироҳат боғига эга бўлиши шарт. Бунинг учун ҳозирдан қайғуриш, экиладиган кўчатларнинг кўкариб кетиши учун назоратни кучайтириш зарур. Шунга эришиш керакки, Наврўз байрамигача ҳар бир туман ва тегишли ҳудудда ободонлаштириш, кўчат экишни ташкил этиш юзасидан белгиланган режалар, албатта, бажарилиши керак. Акс ҳолда қолган ишга қор ёғади, дала ишлари бошланиб кетгач, кўчат экиш, ободонлаштириш ишларига қўл тегмай қолиши мумкин.

Йиғилишда белгиланган чора-тадбирларнинг бажарилишини таъминлашда туман ҳокимларининг зиммасига катта масъулият юклатилганлиги кўрсатиб ўтилди. Вақти-вақти билан назорат ишлари амалга оширилади. Ободонлаштириш, кўчат экиш бўйича яхши ва намунали иш қилган ҳудудлар, туманлар, маҳаллалар рағбатлантирилади, тажрибаси оммалаштирилади. Белгиланган чора-тадбирларнинг бажарилишини таъминламаётганлар, лоқайдлик, эътиборсизлик, масъулиятсизлик қилаётганлар эса аяб ўтирилмайди.

Коммунал хизматни ташкил этиш борасида ҳам жиддий танқидий мулоҳазалар билдирилди. Нафсиламбирини айтадиган бўлсак, бу соҳа энг оғир ва мураккаб тармоқдир. Айниқса, 6та шаҳари бор бўлган бизнинг вилоятимизда бу соҳадаги ишларни кўнгилдагидек йўлга қўйиш учун катта меҳнат ва куч сарфлаш, тадбиркорлик, ақл-фаросат билан, узоқни ўйлаб иш кўриш талаб этилади. Афсуски, хизмат соҳаси ходимларида кўп ҳолларда бу фазилатлар етишмайди.

Мажлисда ҳар икки масаланинг ечими кўпроқ ўзимизга, ташаббускорлигимизга, билимимиз, илмимиз, малакамизга боғлиқлиги алоҳида таъкидланди ва кўрилган масалаларнинг ижобий ҳал қилиниши бўйича зарур чора ва тадбирлар белгиланди.

***Носир РИХСИЕВ,***
***«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.***

*СУРАТДА: Тошкент туманидаги А. Абдураҳмонов номли ширкат хўжалиги боғбон ва соҳибкорлари ҳам Вазирлар Маҳкамасининг қарорини бажара бориб, дарахтларга шакл беришни сифатли ва ўз вақтида ўтказиш учун астойдил ҳаракат қилмоқдалар. Бош пудратчи Улуғбек Қосимов ва боғбон Йўлдош Носировлар бу соҳада барчага намуна бўлаётирлар.*

**Дилшод АҲМЕДОВ олган сурат.**

## МЕТРО УЧУН ЯНГИ ТЮБИНГЛАР

*«Технолог» очиқ турдаги акциядорлик жамиятида Тошкент метрополитенининг учинчи навбати ер ости йўлидаги икки юзта халқа учун пайвандланган тюбинг тайёрланди. Конструкцияни пайвандлаш ишлари акциядорлик жамиятининг бўлинмаси - «Ўзбекистон дастгоҳлари» илмий-ишлаб чиқариш фирмаси томонидан амалга оширилмоқда.*

МДҲ давлатлари метро қурилиши амалиётида фойдаланиладиган тюбинглар чўяндан тайёрланади. Ўзбекистон пайвандлаш конструкцияларини ишлаб чиқариш бўйича етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. «Метролойиҳа» институтида сув ўтказмайдиган темир-бетон тюбинглар ясаш технологияси ишлаб чиқилди. Янги турдаги тюбингларни пайвандлаш учун махсус стендлар «Ўзбекистон дастгоҳлари» фирмаси муҳандислари ва усталари томонидан тайёрланди.

Бўлажак ер ости йўлининг диаметри беш ярим метрга тенг ҳар бир ҳалқасида еттита тюбинг мавжуд. Фирма тайёрлаган конструкциялар асосида Тошкентдаги темир-бетон буюмлари заводлари узунлиги бир метрга тенг темир-бетон ҳалқалар ясайди. Метро қурувчилари ўзига хос технология асосида қисмлар ва ҳалқаларни бир-бирига зич ва аниқ жойлаштираётгани сабабли ер ости йўли сув ўтказмайдиган ҳолатга келмоқда.

Завод мутахассислари ва метро қурилиши бўйича бажарилаётган тайёргарлик ишларининг бошқа иштирокчилари зиммаларидаги масъулиятни чуқур ҳис этиб, сифатга эътиборни сусайтирмаган ҳолда зўр ғайрат билан меҳнат қилишмоқда.

***В. ДРАЧЁВ,***
***ЎзА мухбири.***

## ВИЛОЯТ ҳаёти

### ҚИШЛОҚҚА ГАЗ КЕЛДИ

***Яқинда Оҳангарон шаҳрининг 4-кичик туманига туташ «Бўстон» қишлоғи аҳолиси табиий газ хизматидан баҳраманд бўлдилар. Қишлоқнинг «Янгилик», Маматқулов номли ва «Ҳуррият» кўчаларига газ қувурлари тортилиб, жорий йилнинг февралидан бошлаб мўътадил равишда аҳоли хонадонларига керакли босимда газ узатила бошланди.***

Ҳозирги кунда беминнат хизмат тури – зангори оловнинг хонадонларга кириб келишидан қишлоқ аҳолисининг қувончи чексиз.

***Аъзам САЙИДОВ.***

### ДАРДДАН ЙИРОҚ БЎЛАЙ ДЕСАНГИЗ...

***Республика «Маънавият ва маърифат» маркази ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлимларининг ташаббуси билан гиёҳвандлик, СПИД ва таносил касалликларининг олдини олиш мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.***

ЭРКИН суҳбат, савол-жавоб тарзида бўлиб ўтган тадбирга қишлоқ фуқаролар йиғинлари раислари, маҳалла қўмиталари оқсоқоллари, соғлиқни сақлаш ва ички ишлар бўлимлари ходимлари, умумтаълим мактаблари директорлари, ўқитувчи ва юқори синф ўқувчилар таклиф этилди.

Вилоят СПИД маркази шифокори Баҳтиёр Расулов, тери-таносил касалликлари диспансери шифокори Комилжон Маликов давра суҳбати қатнашчиларига ушбу оғир касалликларнинг хатарли оқибатлари ва улардан сақланиш омиллари ҳақида сўзлаб бердилар.

***Дониёр КАМОЛОВ.***

### ТАДБИРКОРЛИКДА ЖОНЛАНИШ

***Бекобод туманида тадбиркорлик ҳаракати жонланиб бормоқда. Ишбилармонларнинг истиқболли лойиҳаларини молиялаштиришга бюджетдан ташқари маблағларни жалб этишга эътибор кучайтириляпти.***

Ўтган йили шу мақсадларга турли жамғармаларнинг 19,5 миллион сўм маблағи сафарбар қилинди. Умуман, туманда молиялаштирилган истиқболли лойиҳалар 19тага етди. Натижада мева, сабзавот ва чорва маҳсулотларини қайта ишловчи кичик ва ўрта корхоналар кўпайиб, янги иш ўринлари очилмоқда. Ёлғиз «Турон–Ашина» кичик корхонасида бугунги кунда 50га яқин киши ишлаб турибди.

***Жўрабек МУРОДОВ.***

### ХОМАШЁ ЎЗИМИЗДАН ЧИҚАДИ

***Ангрендаги «Саноатқалинкоғозсавдо» очиқ турдаги акциядорлик жамиятида ишлатилаётган хомашёнинг 30 фоизини целлюлоза ташкил этади. Корхона уни ҳозирча асосан Россиядан ташиб келтириб ишлатмоқда.***

Шу кунларда Швейцариянинг «Петролекс» фирмаси билан ҳамкорликда сомон ва пахта момиғидан целлюлоза ҳосил қилиш технологиясини жорий этиш устида изланишлар олиб борилаётир. Хорижий шерик бу лойиҳани рўёбга чиқариш учун 25 миллион АҚШ доллари миқдорида сармоя ажратмоқчи. Янги технологиянинг жорий этилиши корхонанинг экспорт салоҳиятини кескин кўтариб, уни йилига 10 миллион АҚШ доллари ҳажмига етказиш имконини беради.

***Жўра САЪДУЛЛАЕВ.***

### ИБРАТЛИ ҚАЙНОНАЛАР

***Қуйичирчиқ тумани хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан «Энг ибратли қайнона» кўрик-танлови ўтказилди.***

ТАНЛОВДА туман қишлоқлари ва Дўстобод шаҳри маҳаллаларидан беш нафар қайнона иштирок этди. Дўстобод шаҳрида истиқомат қилувчи Бувинисо Одамқулова «Энг ибратли қайнона» кўрик-танловининг ғолиби бўлди. Гул қишлоғилик Умида Рўзиматова «Энг тадбирли қайнона» унвонига сазовор бўлди. Дўстободлик Хайри Шайхисломова «Энг ўктам қайнона» деб тан олинди.

Танлов якунида бешала қайнонага ҳомий ташкилотларнинг эсдалик совғалари тақдим этилди.

***Ўз мухбиримиз.***

10 АСРГА ТАТИГУЛИК ЙИЛЛАР

*Истиқлол манзаралари*

# БИЗ ТАНЛАГАН ЙЎЛ

**Тилимизда «сердавлат одам», «бойлиги, давлати бор эл», «бой-бадавлат» деган иборалар яшаб келаяптики, бу бежиз эмас. Халқнинг қудрати, бойлиги, турмушнинг ободлиги, фаровонлиги азал-азалдан «давлат» тушунчаси билан бевосита боғлиқ ҳолда тушунилади.**

Мустақиллик бизни давлатли халққа айлантирди. Бугун биз ўз Президентимизга, ўз Конституциямизга, ўз Байроғимизга, ўз миллий давлат Мадҳиямизга, мустақил давлат бошқарувига эгамиз. Демак, биз ихтиёри, ҳуқуқи, тақдири ўз қўлида халқмиз. Она Ўзбекистон – ўзимизники, унинг ерости ва ерусти бойликларига ҳам ўзимиз хўжайинмиз.

Миллий байроғимиз БМТнинг, бошқа давлатлардаги элчихоналаримизнинг пештоқларида ҳилпираб турипти. Фақат Ватанимизда эмас, балки ер шарининг турли минтақаларида, турли давлатларда эзгу воқеалар муносабати билан бу байроқ кўтарилмоқда ва Мадҳиямиз янграмоқда. Бугун дунё Ўзбекистонни борган сайин кенг танимоқда Ўзбекистон ҳам дунёни англамоқда. Хуллас, мустақиллик туфайли биз оламаро ўз қадр-қимматимизни ва мавқеимизни тиклаяпмиз.

Ҳа, қайтадан тикландик! Чунки Туронзамин аҳли тарихда энг қадимги давлатчилигига эга халқлардан биридир. Бу заминдаги илк давлатчилигимизнинг шон-шавкати «Авесто»дай сарчашма китобда битиб қолдирилган. Тўғри, Ватанимиз кўплаб босқинчиликларни бошдан кечирди. Неча марта мустақиллигимиз ва миллий давлатчилигимиздан жудо бўлдик. Лекин халқимиз ўз орасидан чиққан миллий баҳодирлар раҳнамолигида давлатчилигимизни яна ва яна қайта барпо этди. Қачонки, миллий давлатчилик қайта тикланса, халқимиз ўзини мустақил ҳис этса, бу заминда ҳаёт қайтадан уйғонган ва оламшумул мевалар берган.

Мустақиллик бизни нафақат яқин ўтмишдаги мустабидликдан ва унинг таҳқирларидан халос этди. Балки, энг муҳими, бизни миллат сифатида уйғотди. Мустақиллик сабаб, буюк тарихли, буюк маънавиятли ва ўтмишда буюк давлатчилигига эга бир халқнинг вориси эканлигимизни қайтадан ҳис этдик.

Шу билан бирга, XX асрнинг охирида биз эришган мустақиллик ҳозирги цивилизациянинг энг юқори даражасидаги, унинг илғор ютуқларини ўзида мужассам этган янги давлат идеалини бизга инъом этди. Биз сўзнинг юксак маъносидаги ҳуқуқий давлат, адолатли фуқаролик жамият сари интилаяпмиз. Бу давлат ва жамият муҳитида қонун қудратли бошқарувчи кучга айланади ва унинг талаблари олдида жамиятнинг барча аъзолари ўзини тенг ҳис этади. Бу – бизнинг мақсадимиз. Инсонни ва унинг манфаатларини олий қадрият сифатида тан олувчи бундай давлат ва жамиятнинг илмий-назарий асослари Президент Ислом Каримовнинг асарларида ҳар тарафлама ишлаб чиқилган. Бу давлат – демократия учун курашни ўз фаолиятининг бош мақсади ва мазмуни деб билади.

Давлатни, жамиятни, иқтисодиётни янгилашга қаратилган барча ислоҳотларнинг ташаббускори ва раҳнамоси – давлатимиздир. «Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамиятига» ғоясини майдонга ташлаган ва уни амалга оширишга киришган куч ҳам шу давлатнинг ўзидир. Давлатимиз мустақил ва онгли, ўзини ўзи бошқара оладиган фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ривожлантириш учун курашаяпти. Яъни аста-секин жамият зиммасига давлат ўзининг кўпгина вазифаларини ишониб топширади. Шунинг ўзи ҳозирги мавжуд давлатнинг ва унинг бошқарувининг демократик табиатидан ва унинг пировардида, стратегик демократик мақсадларга эга эканлигидан далолатдир.

Ватан дахлсизлиги, унинг бир бутунлиги, мамлакатнинг тинчлиги, осойишталиги, бу заминдаги барча миллатларнинг ижтимоий тотувлиги ва умумий мақсадлар йўлида ҳамнафаслиги, шу манбаларда халқнинг фаровонлиги, юрт ободлигини вужудга келтириш ва равнақ топтириш – мустақил Ўзбекистон давлати бошқарувининг кўзлаган бош мақсадидир. Шу боисданки, бутун халқимиз Президентимиз бошчилигидаги Ўзбекистон давлатини чуқур қадрлайди, бу давлатга ишонади, унинг келажаги обод ва буюк бўлишини чин юракдан орзу қилади.

Ҳа, биз буюк давлат бўлишга интилаяпмиз. Аммо бу «Буюклик» асло давлатнинг бюрократик иродасини ва атрофда васваса уйғотадиган ҳарбий куч-қудратини яна ошириш маъносини англатмайди. Биз истаган ва интилаётган буюклик – миллатнинг, халқнинг салоҳиятини тўла-тўкис юзага чиқариш, жамиятнинг жисмоний ва маънавий баркамоллигини таъминлаш, жамиятдаги ҳар бир фуқаронинг қадр-қиммати ва ҳуқуқий дахлсизлигини юзага келтириш, иқтисодий салоҳиятни ўстириш замирида халқ ҳаётининг фаровонлигини юксак замонавий даражага кўтариш, ҳар жиҳатдан дунёдаги энг илғор, маданий ривожланган давлатлар қаторига кўтарилиш каби улуғ мақсадларни англатади.

Бундай давлатга муяссар бўлиш учун Ватанимиз ва халқимиз барча имкониятларга эга. Аввало, халқимиз – меҳнаткаш, ҳунарманд халқ. Бунинг устига, мамлакатнинг илмий ва маданий имкониятлари кучли. Ниятларимиз эса тоза ва эзгу. Давлатимиз ўз дахлсизлиги, тинчлик, осойишталик ва ижтимоий барқарорликни таъминлайдиган даражада қудратлидир. Бу омиллар ёрқин истиқболга, обод, фаровон ва буюк келажакка, шак-шубҳасиз, энг мустаҳкам пойдевор бўлади.

***Михли САФАРОВ.***

Йил якуни таҳлили

# «ЭНДИ БУНДАЙ ХАТОЛАРГА ЙЎЛ ҚЎЙМАЙМИЗ»

## дейишмоқда Оққўрғон туманидаги Навоий номли ширкат хўжалиги деҳқонлари

**Ҳар бир соҳада ишларнинг муваффақияти, эришиладиган ютуқларнинг салмоғи, табиийки, аввало, катта-кичик раҳбарларнинг малакаси, билими, ташкилотчилик ва одамлар билан ишлай билиш қобилиятига боғлиқдир. Айтиш мумкинки, Оққўрғон туманидаги мазкур хўжаликда бу масалага етарли эътибор берилмади. Кейинги беш-олти йил мобайнида кадрлар қўнимсизлиги одат тусига кириб қолди.**

Бу ҳол умум ишига, ишлаб чиқаришга салбий таъсир этмай қолмади. Натижада ўтган қишлоқ хўжалик йилида биронта соҳада ҳам белгиланган режа бажарилмади. Етакчи тармоқ — пахтачиликдаги ишлар ғоят қониқарсиз якунланди. Белгиланган режа бор-йўғи 72,2 фоиз бажарилди. Ғаллачиликда ҳам шундай аҳвол рўй берди. Маккажўхори, шоли экинларидан жуда кам ҳосил олинди. Буларнинг ҳаммаси деҳқонларнинг турмуш даражасига салбий таъсир этди, албатта. Чунки, улар меҳнатларига ўз вақтида ҳақ ололмадилар. Илғор хўжаликлар сингари имтиёзлардан фойдаланолмадилар. Бундай шароитда, табиийки, деҳқоннинг ўз касбига бўлган ихлоси сусаяди, ҳафсаласи пир бўлади. Айримлар тирикчиликни кўзлаб, бошқа жойларга иш излаб кетишга мажбур бўлдилар.

Савол туғилади: бундай қолоқликнинг асосий боиси нимада? Ахир бошқа хўжаликлардаги сингари меҳнатни ташкил этишнинг илғор усули саналган оилавий пудрат усули қўлланилди, деҳқонларга ер бўлиб берилди, улар билан шартномалар тузилди. Ҳамма иллат шунда бўлдики, раҳбарларнинг масъулиятсизлиги туфайли бу шартномаларнинг бажарилишини таъминлашга деҳқонларга нисбатан ғирромлик қилинди. Кўрсаткичлар бу ғирромлик нималарга олиб келганлигини исботлади. Мана, пахтачиликни олиб кўрайлик. Бу тармоқда 298та оилавий пудрат фаолият кўрсатди. Шулардан атиги 40 нафаригина шартномаларни адо этишга муваффақ бўлди. Тенг ярим пудратчининг режаси ярим йўлда қолиб кетди. Ғаллачиликда ҳам шунга ўхшаш аҳвол такрорланди. Бу тармоқда фақатгина 10 нафар пудратчигина мўлжалдаги ғаллани топшира олди, холос. Қолган 50 нафар пудратчи ҳисобига 400 тонна ғалла кам етиштирилди. Айрим кўрсаткичлардан хабардор бўлиб ёқа ушлайсан, киши! Хўжаликнинг Ш. Баҳромов ва Ф. Очилов бошлиқ пахтачилик бригадаларида режа 21,3-22 фоизгина бажарилди, холос. Ҳосилдорлик бор-йўғи 6-8 центнер бўлди. Бу қанақаси? Нима, бу жамоаларга биркитилган ерлар шунчалик «хароб» бўлиб қолганми? Ёки уларга сув етишмадими? Озуқани ўз вақтида беролмаяптиларми? Садоқатли, ўз ишига меҳр қўйган деҳқонларнинг эришаётган натижалари буни инкор этади. Масалан, хўжаликнинг Х. Абубакиров бошлиқ бригадасида пахта режаси 104 фоизга ошириб бажарилди. Улар ҳосилдорликни ўтган йилдагига қараганда анча кўпайтиришга муваффақ бўлдилар.

Бўлмаса иллат нимада? Юқорида айтганимиздек, айрим кадрларнинг ўзларига ишониб топширилган вазифани яхши адо эта олмаганликларидадир. Улар йил бошиданоқ пудратчи-ижарачилар ўртасида тушунтириш ишларини олиб бормадилар. Шартнома шартларининг бажарилиши учун етарли ташкилотчилик кўрсатмадилар. Ғаллачиликда раҳбарлик қилаётган кадрлар ҳам ўз фаолиятларида ана шундай камчиликларга йўл қўйдилар. Хўжалик раҳбарлари эса кўра-била туриб, бундайларга нисбатан ўз вақтида етарли чора-тадбирларни кўрмадилар, талабчанликни бўшаштириб юбордилар.

– Бу йил ўз ишимизда тубдан бурилиш ясашга ҳаракат қилмоқдамиз, – дейди хўжаликнинг янги раҳбари Файзулла Мўминов. – Биз биринчи навбатда ярокқсиз ҳолга келиб қолган техникаларнинг асосий қисмини тиклаб олишга эришдик. Натижада экин майдонларининг кўпини ўзимизга тегишли техникалар ёрдамида вақтида шудгордан чиқарганмиз. Бунинг оқибатида хўжаликнинг анчагина маблағи тежаб қолинди.

Вазирлар Маҳкамасининг яқинда бўлиб ўтган йиғилишида кўрсатилган йўл-йўриқлар, кадрлар ўқуви жараёнида олган билимларимизни амалда қўллаб, баҳорги экишни ҳар жиҳатдан сифатли ва ўз вақтида ўтказиш тадбирларини кўриб қўйдик. Ўзимизнинг еримизга, тупроқ шароитимизга мос уруғ экамиз. Бу масалада қатъий келишиб олганмиз.

Андижонликларнинг плёнка тагида пахта етиштириш тажрибаларини қўллаб, 190 гектар майдонда эртаги ҳосил етиштириш ниятидамиз. Ўзимиздаги мавжуд сеялкаларни ана шу илғор усулга мослаб, қайта таъмирлаб чиқдик. Ғаллазорларимизда етиштириладиган ҳосил ҳам режани бажаришгагина эмас, балки ўтган йилги қарзни ҳам узишга етади, деган умиддамиз.

Яна бир гап. Қайси бир хўжалик ўзининг фермасини сақлаб қолган ва чорвани ривожлантиришга эътибор бераётган бўлса, ўша ерда натижалар яхши бўлаётганлиги сир эмас. Шуни назарда тутиб, уқувсиз, масъулиятсиз фермернинг қўлига тушиб, хароб бўлиб қолган фермамизни қайтариб олдик. Уч-тўрт йил ичида фермани соф даромад келтирадиган тармоққа айлантириш учун барча зарур чора ва тадбирларни амалга оширамиз...

Хўжаликнинг яқинда бўлиб ўтган ҳисобот йиғилишида ана шу сингари мисоллар келтирилди. Ғаллакор, пахтакор, пиллакор ва бошқа касб эгалари сўзга чиқишиб, хўжаликнинг қаддини тиклаш учун қўлларидан келган ёрдамларини аямасликлари, куч-ғайратлари, маҳоратларини ишга солиб, астойдил меҳнат қилишга бел боғлаганликларини айтдилар.

Айни кунларда хўжаликда бўлсангиз, меҳнаткашлар сўз билан иш бирлигини таъмин этиш учун курашаётганликларининг гувоҳи бўласиз.

**Пардабой ЭРГАШЕВ.**

# ҲАМКОРЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА

Қоҳирада Миср Араб Республикаси Марказий банки ҳузуридаги Миср банк институти томонидан ташкил этилган «Банк таълимининг замонавий усуллари» мавзуида семинар бўлиб ўтди. Семинарни ўтказишда Миср Араб Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ҳузуридаги МДҲ давлатлари билан техник ҳамкорлик жамғармаси яқиндан ёрдам кўрсатди.

Ўзбекистоннинг банк ва молия соҳаларидаги мутахассисларининг мисрлик ҳамкасблари билан ҳамкорликларига 2000 йилнинг июль ойида асос солинган эди. Ўшанда юқорида зикр этилган жамғарма йўли билан Миср молиячилари делегацияси Ўзбекистонда бўлиб, Минтақавий банк таълим маркази фаолияти, мамлакатимизнинг банк ва молия тизимлари билан танишди. Учрашувлар натижасида узоқ муддатли асосда ҳамкорлик қилиш тўғрисида келишиб олинди.

**Бахтиёр ИРИСОВ,**
**«Жаҳон» АА, Қоҳира.**

Йиғилиш

# ЁШЛАР ТАРБИЯСИ – ЭЪТИБОРДА

**Вилоятимизнинг «Турон» кутубхонасида республика Маърифатпарварлар жамияти, Ўзбекистон республикаси Кутубхоначилар ассоциацияси, вилоят Маданият ишлари бошқармаси, илмий Маънавият маркази ҳамда «Турон» илмий универсал кутубхонаси ҳамкорлигида «Миллий истиқлол ғоясини тарғиб этиш ва ёшлар шуурига сингдиришда маданий-маърифий масканларнинг мақсад ва вазифалари» мавзуида илмий-амалий анжуман ўтказилди.**

**Уни вилоят Маданият ишлари бошқармаси бошлиғи Зоҳиджон Солиҳов бошқарди.**

Илмий-амалий анжуман иштирокчилари республика Маънавият ва маърифат маркази раиси ўринбосари Султонмурод Олимов, Ўзбекистон Кутубхоначилар ассоциацияси раиси Абдусалом Умаров, Маърифатпарварлар жамияти раиси Наим Каримов, Маънавият ва маърифат маркази бўлим мудири Муҳаммаджон Қуронов ва бошқаларнинг миллий истиқлол ғояларини тарғиб ва ташвиқ этишда адабиётнинг, миллий кутубхоналарнинг, қолаверса, маданий-маърифий муассасалар ходимларининг олдида турган вазифалар ҳақидаги маърузаларидан баҳраманд бўлдилар.

Мустақил Ўзбекистонимизнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий-маънавий соҳаларида рўй бераётган оламшумул ўзгаришларда маданий-маърифий муассасалар ходимларининг ҳам ўзига хос улушлари бор, албатта. Бугунги кунда эндигина вояга етаётган ёшларимизни қандай ғоя ва мафкура билан тарбиялашимиз зарурлиги асосий масала бўлиб қолди. Уларнинг баъзан сохта ғоялар орқасидан югуриб қолишининг олдини олиш ҳамда қандай эзгу мақсадлар томон интилиши зарурлиги ҳақидаги масала илмий-амалий анжуман иштирокчиларининг асосий диққат марказида бўлди.

Маданий-маърифий муассасалар ходимлари хою ҳавасларга учмаган, умрини ҳалол меҳнатга, мустақил мамлакат равнақига бағишлаган, маърифатда етук, меҳр-мурувватда ўрнак бўла оладиган, барчага меҳрибон ва садоқатлиларгина комил инсон бўла олади, деган фикрни якдиллик билан қўллаб-қувватладилар.

***Ўз мухбиримиз.***

# АҚЛЛИ МАШИНАЛАР АДАШМАЙДИ

**ХАЛҚИМИЗ болажон халқ. Эшикдан бири кириб, иккинчиси чиқиб, бирлари олдингизда гурпанглашиб юрмаса, ўзбекона ҳаёт билинмайди. Ўнта бўлса ўрни бошқа. Фарзанд кўрса, ўзбекчалик терисига сиғмай суюнадиган халқ бўлмаса керак. Фарзанд ҳаётимиз куртаги, гули.**

Республикамиз Президенти «Аёллар йили», «Соғлом авлод йили», «Она ва бола йили» деб ташаббуслар қилдилар. Бу ҳам ўша ўзбекона ҳаёт таъсири остида пайдо бўлган анъаналар давоми, аслида.

Касаба уюшмалари ҳам бепуштлик касаллигига учраган беморларни соғломлаштириш, уларни фарзанд кўриш шарафига муяссар қилишдек хайрли ишларни амалга оширяпти. Албатта, бу мустақиллик, озодлик шарофати билан тез амалга ошиб, тез рўёбга чиқмоқда.

Қибрай туманидаги бу санаторийни ўқувчи билса керак. У 30-йилларда асосан лойли деворлардан кўтарилиб қурилган. Кейинроқ яна бироз кичик қурилишлар билан кенгайтирилган, асосан бир қаватли бинолар эди. Кўп йиллар дам олиш уйи сифатида фойдаланилган.

Совет даврида шу каталак уйли биночалар хотин-қизларни даволаш санаторийсига айлантирилди. Лекин, у даволаш ишларини замон талаблари асосида олиб бориш имкониятига эга эмас эди. Шу важдан бу ерда санаторий учун беш қаватлик янги ётоқ биноси ва замонага мос, ҳозирги давр тиббиёти талабларига жавоб берувчи янги даволаш биноси бунёд этилди. 87 миллион сўмлик, даволашда энг юқори самара берувчи, ҳозирги замон тиббий илми ютуқларини ифодаловчи тамом янги русумдаги асбоб-ускуналар келтириб ўрнатилди. Шунинг учун ҳам мазкур сиҳатгоҳда даволаш кўрсаткичлари жуда юқори бўлмоқда. Ўн йиллаб фарзанд кўрмаганларнинг қанчаси ота-она бўлиш бахтига муяссар бўлишлик олдида турибдилар. Санаторий яхши ният билан «Умид гулшани» деб аталмоқда. Республикамизнинг олис-яқин кент ва қишлоқларидан, оилалардан, тиббиёт муассасаларидан мазкур санаторийда даволаниб, ҳомиладор бўлиб, бахтиёрлик билан фарзанд кутаётганлик ҳақида ёқимли хабарлар келиб турибди. Бухоронинг Вобкент туманидан Х. Мирзаева, Чимкентдан Ш. Марифхонова, Қибрай туманидан М. Шораҳмедова, Г. Юсупова, Зангиотадан Ш. Миролимова ва бошқа бўлажак оналар шулар жумласидандир.

Шуниси эътиборга лойиқки, сиҳатгоҳ кундан-кунга янада янги, замонавий тиббий ускуналар билан «қуроллантириб» борилмоқда. «ДЛТБ», «ДЭК», «Андрогин», «Гинерон-2», «АИФ-Ц-1С» каби аппаратлар шулар жумласидан бўлиб, улар асосан компьютерлашган ва лазер нурлари билан даволайди. Маҳоратли шифокор адашиши мумкин, лекин бу «ақлли машиналар» адашмайди, даволаш самараси жуда юқори.

Сиҳатгоҳ гинекология ва андрология бўлимларидан иборат бўлиб, уларда асосан юқори малакали шифокорлар хизмат қилишади. Гинекологлардан Кимё Муродова, Ирина Кузнецова олий тоифали, ниҳоятда бой тажрибага эга бўлган шифокорлардир. Зулайҳо Соҳибова, Саломат Саидохунова, Зарофат Қурбонова, Рисолат Юсупова каби олий ва биринчи тоифали ҳамширалар доимо беморлар хизматидалар.

— Сиҳатгоҳимиз фаолиятини янада яхшилаш мақсадида, — дейди санаторий бош шифокори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган шифокор Худойберди Раҳметов, — янги-янги тиббий жиҳозлар олиб келиш билан бирга катта қурилиш ишларини олиб бормоқдамиз.

Бош шифокорнинг айтишича, сув-балчиқ билан даволаш катта мажмуи қурилишига қўл урилган. У усти берк чўмилиш ҳавзаси, сауна, турли маъданлар ва гиёҳлар эритмалари билан даволаш ванналари, тиббий ускуналар ёрдамида сув билан даволаш бўлинмаларини ўз ичига олади. Юз ўринли ошхона қувватини икки бараварига ошириш ишлари олиб борилмоқда. Иккита фаввора ишга тушади. Ўндан кўпроқ чиройли дизайнли суҳбатхоналар боғ ҳуснига ҳусн қўшади. Эски чойхонани қайта тиклаш ишлари олиб борилмоқдаки, у яқин кунларда дам олувчиларни бағрига олади. Бино икки қаватли бўлиб, азим дарахтлар орасига жойлашган. Яна атрофга сўрилар қўйилади. Ҳар томонда фаввора. Санаторий ҳудуди бўйича бир неча минг мевали ва манзарали дарахтлар кўчатлари, 10 минг туп гул кўчатларини экиш мўлжалланган.

Ҳа, санаторийда катта бунёдкорлик ишлари олиб борилмоқда. Курортлар бошқармаси режасига кўра бу катта маблағларни талаб қилувчи қурилишлар мажмуи Ўзбекистон мустақиллигининг 10 йиллиги байрами арафасида тўла фойдаланишга топширилади. Ҳозирда сиҳатгоҳ 75 ўринли бўлиб, тўла ишга тушгач, бу ерда бирйўла 150 киши даволана бошлайди.

**Будир ПЎЛАТОВ.**







*СУРАТЛАРДА: 1. «Умид гулшани» санаторийсининг янги биноси. 2. Врач Марина Цаплина (ўнгда) ташҳис маркази ҳамшираси Елена Попова билан замонавий ускуна ёрдамида бемор ҳолатини ўрганишяпти. 3. Врач-андролог Шокир Ашуров иш устида.*

**Дилшод АҲМЕДОВ олган суратлар.**

# ТЕРРОРИЗМГА ҚАРШИ ЯНГИ ҚОНУН

*Буюк Британияда терроризмга қарши кураш тўғрисидаги янги қонун кучга кирди. Бу қонун мамлакат ичкарисида ҳамда ундан ташқарида зўравонликка чақирувчи ташкилотлар билан курашни янада кучайтиришга қаратилган.*

1973 йилда қабул қилинган қонундан фарқли ўлароқ, янги қонунда «террорчилик» тушунчаси сиёсий, диний ёки мафкуравий мақсадда инсонга ёки унинг мулкига қарши содир этилган жиноят деб кенгроқ ифодаланган.

Янги қонунга асосан Буюк Британия ҳуқуқ-тартибот идоралари террорчилик ҳаракатларини амалга ошираётган ёки қўллаб-қувватлаётган маҳаллий ва хорижий ташкилотлар фаолиятини таъқиқлаш ҳуқуқига эга бўлдилар. Британия қонунчилигида биринчи марта террорчи ташкилотлар учун маблағ тўплаш ва уларни молиявий томондан таъминлаш масалаларига аниқлик киритилади.

Янги қонунга кўра Буюк Британия ҳудудида террорчиларнинг ҳарбий тайёргарлиги билан шуғулланиш, уларнинг қаторига янги кўнгиллиларни ёллаш, шунингдек, чет элдан туриб ҳарбий амалиётларни режалаштириш қонунга хилоф фаолият ҳисобланади.

Халқаро террорчиликнинг наркобизнес билан алоқасини ҳисобга олиб, Буюк Британия ҳукумати қорадорифурушларнинг «қора рўйхатини» тузишни мўлжалламоқда. Мутасадди идораларга шубҳали шахсларнинг банк ҳисобларини текшириш бўйича махсус ваколатлар берилади.

Буюк Британиянинг терроризм тўғрисидаги қонуни яқинда Ўзбекистонда қабул қилинган «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги Қонун билан ҳамоҳанглиги ушбу муаммонинг долзарблигини яна бир бор исботлайди ва бу соҳада халқаро ҳамкорликнинг янги имкониятларини очиб беради.

**Мардон ЁҚУБОВ,**
**«Жаҳон» АА,**
**Лондон.**






**Тошкент вилояти шаҳарлараро йўловчилар ташиш автокорхонаси очиқ турдаги акционерлик жамияти «Мерседес-Бенц», «Икарус», «Кароса» русумли автобусларни Самарқанд, Бухоро, Термиз, Хива, Урганч шаҳарларидаги (Имом Ал-Бухорий, Баҳоуддин Нақшбандий, ат-Термизий) мадрасаларини ва тарихий обидаларини зиёрат этиш учун ва бошқа шаҳарларга сайёҳлик хизматлари учун ажратади.**

**Ҳақ имтиёзли нархларда нақд ва пул ўтказиш бўйича қуйидагича олинади:**

**Самарқанд**
«Икарус» – 98000 сўм
«Мерседес-Бенц» – 122500 сўм
(1 кунлик)

**Бухоро**
«Икарус» – 191600 сўм
«Мерседес-Бенц» – 239500 сўм
(3 кунлик)

**Хива, Урганч**
«Икарус» – 421600 сўм
«Мерседес-Бенц» – 527000 сўм
(3 кунлик)



**Термиз**
«Икарус» – 230800 сўм
«Мерседес-Бенц» – 288500 сўм
(4 кунлик).

**Корхона телефонлари:**
**65-98-44, 65-35-55, 65-33-54.**

***Манзил: Қибрай тумани, Гулзор мавзеси, (Қорасув-6 даҳаси рўпарасида).***

# «ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ САВДО»

**акциядорлик компанияси 2001 йил 7 апрель куни соат 10.00да акциядорларнинг йиллик умумий мажлиси ўтказилишини хабар қилади**

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Афросиёб кўчаси, 2-уй. «Тошкентвилоятсавдо» АКнинг «Бизнес-маркази» биноси. **Мўлжал**: метронинг «Космонавтлар» бекати, «Жемчуг» дўкони ёнида.

*(Акциядорлар реестри 2001 йил 7 март билан ёпилади).*

**КУН ТАРТИБИ:**

1. «Тошкентвилоятсавдо» акциядорлик компанияси бошқарувининг 2000 йилдаги фаолияти тўғрисида»ги ҳисоботи.
2. Компаниянинг 2000 йил бухгалтерлик балансини тасдиқлаш.
3. Тафтиш комиссиясининг хулосасини тасдиқлаш.
4. «Компаниянинг 2000 йилдаги фаолияти тўғрисида»ги аудиторлик текширув хулосасини тасдиқлаш.
5. Компаниянинг 2000 йил якунлари бўйича соф фойдасини тақсимлаш ва дивидендлар тўлаш ҳақида.
6. Компаниянинг 2001 йил учун харажатлар ва даромадлар сметасини тасдиқлаш.
7. «Тошкентвилоятсавдо» акциядорлик компанияси Низомига ўзгартиришларни тасдиқлаш.
8. Компания акцияларининг III-эмиссияси чиқарилиши ва жойлаштирилиши ҳақида ахборот.
9. Кузатув Кенгаши аъзоларини сайлаш.
10. Компания бошқаруви раисини янги муддатга тасдиқлаш.
11. Бошқа масалалар.

Саволлар билан: **152-11-71, 152-11-74** телефонлар орқали мурожаат қилишингиз мумкин.

**КУЗАТУВ КЕНГАШИ.**

## ҲАЙДОВЧИ, ПИЁДА, ЙЎЛ

# ФАРЗАНД ДОҒИ ЁМОН

**Ҳар қандай ота-она фарзандим бахтли бўлсин, фаровон ҳаёт кечирсин, деб ўз оромидан, саломатлигидан воз кечиб бўлсада, куну тун меҳнат қилади. Фарзанд камолини ўйлайди. Аммо, айнан шу эзгу мақсад йўлида елиб-югураркан, кўпинча ўз нуридийдаларини назоратсиз, эътиборсиз қолдиради. Вилоятимиз автомобиль йўлларида кўпайиб бораётган болалар иштирокидаги бахтсиз ҳодисалар ана шу эътиборсизликларнинг оқибати эмасмикан?**

ВИЛОЯТ ички ишлар бошқармаси давлат автомобиль назорати (ДАН) бошқармаси томонидан 2000 йил давомида 348 бола иштирокидаги транспорт ҳодисаси рўйхатга олинди. Бунинг оқибатида 316 нафар бола турли тан жароҳати олди, 52 нафари эса ҳаётдан бевақт кўз юмди. Бу рақамлар 1999 йилга нисбатан бироз камайган. Бироқ, мазкур йилнинг дастлабки кунларидан бошлаб болалар иштирокидаги йўл-транспорт ҳодисалари сони яна кескин ортиб бормоқда. Бундай нохуш воқеалар, жумладан, Ангрен, Чирчиқ, Оҳангарон шаҳарларида ва Бўка, Юқоричирчиқ, Пскент ва Тошкент туманларида содир бўлмоқда.

Жорий йилнинг 14 январь куни вилоятнинг Бўка туманида 6 ёшли Хуршидни машина уриб кетди. Худди шундай ҳодиса 20 январь куни Пскент туманидаги Навоий номли жамоа хўжалигида ҳам рўй берди. Шу куни «ЗАЗ-965» русумли С. бошқарувидаги автомашина 6 ёшли ва 3 ёшли болаларни уриб юборган. Натижада 6 ёшли бола ҳаётдан кўз юмди.

Йўлларда содир бўлган ҳар бир йўл-транспорт ҳодисаси давлат автомобиль назорати бошқармаси томонидан албатта муфассал таҳлил қилинади. Таҳлиллар айрим ҳолатларда болалар томонидан қоидабузарликка йўл қўйилганлигини кўрсатаяпти. Асосан, «Йўл ҳаракати қоидалари»ни яхши билмаслик ёки унга амал қилмаслик, йўлнинг дуч келган жойидан кесиб ўтиш, автомобиллар қатнов қисмида турли ўйинларни ўйнаш, транспорт воситасига осилиш, кутилмаганда автомобиллар олдига югуриб чиқиш, светофор чироқлари талабига бўйсунмаслик асосий сабаблардан бўлиб қолмоқда.

Қуш уясида кўрганини қилади, дейдилар. Болаларнинг хавфсиз ҳаракатланишини таъминлаш борасида оила катталари уларга ўрнак кўрсатиши мақсадга мувофиқдир. Зеро, болалар ўта тақлидчи бўлади. Ота ва онасининг ҳар бир ҳаракатини бир зумда илғаб, ўрганади. Шундай экан, ҳар бир ота-она жажжи болакайларнинг қўлидан етаклаб кўчага чиққанда «Йўл ҳаракати қоидалари»га тўлиқ риоя этиши зарур. Шунда биз кўзлаган мақсадимиз – фарзандларимиз соғ-саломат, хавфсиз ҳаракатланишига эришамиз.

***Исроилхўжа САЙДИКАРИМОВ,***
***Вилоят ИИБ ДАНБ тарғибот ва ташвиқот бўлинмаси бошлиғи, милиция капитани.***





*Тошкент тумани ДАН ходимлари XXI асрни дастлабки йилида янги бинога кўчиб ўтдилар. Унинг қурилишига 30 миллион сўм маблағ сарфланди. Компьютерлаштирилган бу бинода транспорт воситаларини кўрикдан ўтказиш учун барча шарт-шароитлар мавжуд. Шу ернинг ўзида йўл-патруль хизмати ходимлари йўл-транспорт ҳодисаларини таҳлил этишлари ҳамда ҳайдовчилар билан мулоқот олиб боришлари учун ҳамма шароитлар етарли. Шу ўринда ДАН бўлими иш фаолиятида ҳам ўзгаришлар юз бераётганини таъкидлаш ўринлидир.*

***СУРАТЛАРДА:** янги ДАН бўлими биноси. ИИБ ДАН бўлими бошлиғи, милиция майори Ботир Қорабоев ва унинг ўринбосари, милиция майори Сайфулла Норматов галдаги вазифаларни муҳокама қилишмоқда.*

***Даврон АҲМАД олган суратлар.***

*Сўраган эдингиз*

# ТЕХНИК НАЗОРАТДАН ЎТГАНМИСИЗ?

*Давлат транспорт воситаларининг ҳар йили техник кўрикдан ўтказилишидан хабардор эдик. Лекин, эшитишимга қараганда, хусусий автомашиналарни ҳам ҳар йили техник кўрикдан ўтказиш жорий этилганмиш.*

***С. Ҳамроев, Оққўрғон тумани.***

ШАХСИЙ транспорт воситаларини ҳам ҳар йили техник назоратдан ўтказиш тўғрисидаги гап ҳақиқат. Вилоят ҳокимининг жорий йилнинг 8 январидаги 12-сонли фармойишига кўра, шахсий транспортлар 2001 йилнинг 1 январидан 31 августгача, корхона, ташкилот ва муассасаларга қарашли механик транспорт воситалари ҳамда тиркамалар 1 мартдан 30 июнгача техник назоратдан бир йилда бир марта ўтказилиши керак.

Йиллик техник кўрик давлат автомобиль назорати бошқармаси ёки унинг жойлардаги бўлинмалари ходимлари томонидан ўтказилади. Шу сабабли шахсий транспорт эгалари жойлардаги ДАН бўлинмаларига мурожаат қилишлари керак.

Айрим ҳайдовчилар йиллик техник кўрикка транспорт воситаларини олиб келганларида тақдим этишлари зарур бўлган ҳужжатларни, тўлов қоғозларини унутиб қолдирадилар. Шундай ҳолатлар юз бермаслиги учун қандай ҳужжатлар зарурлигини яна бир бор эслатиб ўтамиз.

Шахсий паспорт (ҳарбий хизматчилар учун шахсий ҳужжат билан бирга хизмат қилаётган ҳарбий қисмнинг турар-жой билан таъминланганлигини тасдиқловчи маълумотнома), ҳайдовчилик гувоҳномаси, транспорт воситасининг техник паспорти, ҳайдовчининг соғлиғи тўғрисидаги тиббий маълумотнома бўлиши шарт.

Шунингдек, вилоят ҳокимининг 1996 йил 12 июндаги 143-сонли фармойишига кўра, транспорт воситалари эгалари солиқ идораларида бўлиб, «Транспорт солиғини тўлаганлиги тўғрисидаги ҳисоб варақаси»ни олишлари ёки бу варақага белги қўйдиришлари керак.

Бундан ташқари, техник кўрикдан ўтказишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 31 декабрдаги қарорига асосан, барча турдаги автотранспорт воситалари учун энг кам иш ҳақининг 10 фоизи, тиркама, мототранспорт, ярим тиркамалар учун энг кам иш ҳақининг 5 фоизи миқдорида тўлов белгиланган. Ушбу тўлов чипталари билан бирга транспорт воситалари учун давлат мажбурий суғурталари тўланганлиги тўғрисидаги чипталарни ҳам кўрсатишни унутманг.

***С. АБДУСАТТОРОВ,***
***Тошкент вилояти ИИБ ДАНБ техника назорати бўлими бошлиғи, милиция подполковниги.***

## ҲУШЁРЛРИК

# ҚАНД ЎЗИМИЗГА ҲАМ КЕРАК

ТОШКЕНТ туманидаги «Регистон» чегара постида хизмат олиб бораётган вилоят ИИБ давлат автомобиль назорати бошқармаси йўл-патрул хизмати инспектори, милиция старшинаси Ф. Раҳимов «ГАЗ-31029» русумли автомшинани текширув мақсадида тўхтатди. Маълум бўлишича, Қозоғистон Республикаси фуқароси Гулайно Жорисбекова ғайриқонуний равишда 450 килограмм, умумий қиймати 210 минг сўмлик қандни юртимиздан олиб чиқиб кетмоқчи бўлибди. Ф. Раҳимовнинг ҳушёрлиги натижасида ўзимизга керак бўлган қанд ушлаб қолинди.

## Ибратнома

# ПИРПИРАК

Эр-хотин гаплашиб ўтирган вақтда эри хотинидан сўрабди:

— Кейинги уч-тўрт ой мобайнида анча ўзгариб қолдинг: топган пулингни «маданиятли аёл модага қараб кийинади» деб янги либослар сотиб олишга сарфлаяпсан. Пардоз-андозни янги келинлик вақтингдан ҳам ошириб юбординг. Ишга вақтли кетиб, кеч келаяпсан. Тағин шайтоннинг сўзига кириб, юзимга оёқ босиб, шаънимга доғ тушириб юрган бўлмагин.

— Вой, адажониси, нималар деяпсиз? Мени шунчалик нодон деб ўйлаяпсизми? Кўз очиб кўрганим — сизсиз. Ёмон йўлга юриб ўлибманми?

— Юриш-туришинг — беҳаловат, муомаланг — сунъий, гапларинг — пойинтар-сойинтар, кўзларингда аллақандай ҳадик бор. Ўзингни оқламай, ростини айтмасанг, ўз ихтиёринг билан дўзах йўлини танлаган бўласан!

— Кўзим озгина шамоллаб, ёш оқаётгани учун ҳар куни эрталаб қора чойга чайиб турибман. Кўзимдаги шу ўзгаришни сиз безовталик деб тушунибсиз.

— Ўзингни оқлашга баҳона излама! Гапинг ростлигини қандай исботлайсан?

— Агар сизга хиёнат қилган бўлсам, жон таслим қилаётган вақтимда вужудим буралади, шунга қараб менинг қандай эканлигимни билиб олаберасиз.

Бу гап-сўзлардан кейин ҳам эрнинг кўнглида пайдо бўлган шубҳа тарқамабди. Орадан йиллар ўтибди. Бир куни эр иш жойининг топшириғи билан хизмат сафарига жўнабди. Бир ҳафтадан кейин мўлжалдаги ишларни битириб, сафардан қайтгач, кўнгилсиз воқеанинг устидан чиқибди. Бундан тўрт кун олдин туппа-тузук юрган хотини ётмай-турмай, бандаликни бажо келтирганини айтишибди. Эр қайғуга ботибди. Ўғил-қизларидан хотини жон таслим қилаётган вақтда ўзини қандай тутганини сўрашга истиҳола қилибди. Хотинига бўлган садоқати ва ўғил-қизлари, келин-куёвлари ҳузуридаги иззат-ҳурматини назарда тутиб, бошқа уйланмабди. Бундан кейинги ҳаётида ҳовлисидаги токларга қараш, мевали дарахтлар парвариш қилиш ва неваралар тарбияси билан машғул бўлибди. У фарзандларининг барчасини уйли-жойли қилиб, ўрни-ўрнига қўйибди. Вақти-соати етиб невара келин ва невара куёвлар кўргач, дунёдан кўз юмибди.

У дунёга боргач, хотинининг исми-шарифини жаннатга кирганлар орасидан топа олмабди. Дўзах эшиги олдига келиб суриштирса, хотини дўзахга ҳам кирмаган экан. Энди уни қаердан излашни билмай юқорига қараса, хотини белидан ўқ ўтказилган ҳолда пирпирак бўлиб, айланиб ётган экан.

***Убайдулла АБДУЛЛАЕВ.***

*СПОРТ * СПОРТ * СПОРТ * СПОРТ*

# ҲАМЮРТЛАРИМИЗНИНГ ҒАЛАБАСИ

**Шу кунларда Германия спорти ҳаётида шов-шувга сабаб бўлган иккита муҳим воқеа содир бўлди. Ўзбекистонлик спортчилар - боксчи Артур Григорян ва дзюдочи Фарҳод Тўраев ўзларининг навбатдаги ғалабаларини қўлга киритишди.**



Ўн уч карра жаҳон чемпиони Артур Григорян жаҳонда юқори рейтингга эга бўлган испаниялик боксчи Хосе Анжел Перес билан учрашди. У профессионал рингда ўтказган ўн олти жангидан 15тасида ғалаба қозонган, шундан 13тасини нокаут билан якунлаган.

Испаниялик боксчи билан бўлган жангда Артур Григорян олтинчи раундда ғалабага эришди ва ўн тўртинчи марта жаҳон чемпиони бўлди.

Мюнхенда бўлиб ўтаётган дзюдо бўйича «Гран-при» туркумидаги халқаро турнирда ҳамюртимиз Фарҳод Тўраев олтин медалга сазовор бўлди.

***(ЎзА).***



## Ўзингизни синанг

# БИР УЯ УСТИДА МИНГ АРИ

**ЭНИГА**: 1. Шаҳрисабздаги меъморлик обида. 4. Босим ўлчов бирлиги. 7. Тезотар қурол. 10. Торли мусиқа асбоби. 11. Сайёра. 12. Улкан, буюк. 15. Органик бирикмалар таркибига кирувчи кимёвий модда. 16. Деҳқончилик қуроли. 17. Тошкент вилоятидаги шаҳар. 18. Қора денгиз бўйидаги порт шаҳар. 22. Хоразм вилоятидаги туман. 23. «Айёр» ҳайвон. 24. Ит зоти. 25. Балиқ тури. 31. Мўйнали жонивор. 32. Адо этилиши мажбурий вазифа. 33. Сўзларнинг тўғри ёзилиши қоидалари. 34. Қримдаги шаҳар. 36. Ўзбек халқ куйи. 38. Уруғи новвойликда ишлатиладиган ўсимлик. 40. Болалар ўйини. 41. Техник экин. 42. XV аср тарихчиси бўлган ватандошимиз. 43. Оддий каср кўрсаткичларидан бири. 46. Бирор касб қоидаларига мансуб қўлланма. 49. Илмий фантастик асарлар муаллифи, Америка ёзувчиси. 51. Ўзбек фалакиётшунос олими, ҳукмдор. 53. Инерт газ. 54. Қари билганни... билмас. 56. Чавандозлик мусобақаси. 57. Арузлаги шеърий вазннинг ҳар бири. 60. Саломатлик гарови. 61. Қон томири. 62. Тригонометрик функция. 63. Кончилик қурилмаси. 69. Франциядаги шаҳар. 70. «Толибнома» достони муаллифи, XVIII аср ўзбек шоири. 71. Қишлоқ хўжалиги қуроли. 72. Идиш, рўзғор буюми. 75. Уйғун шеъри. 76. Мусиқа асбобини чалиш мосламаси. 77. Бегона ўсимлик. 78. Самарқанд вилоятидаги шаҳар. 79. Табобат тармоғи. 80. Узум нави.

**БЎЙИГА**: 1. Канада пойтахти. 2. Математик олим, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби. 3. Ҳамроҳ. 4. Даҳшатли қурол тури. 5. Катта маблағ. 6. Қозоқ мумтоз шоири. 7. Сайёра. 8. Туркман шоири. 9. Ола-тарғил от. 13. XIX аср инглиз адиби. 14. Қорақалпоғистондаги шаҳарча. 16. Кўчма уй. 19. Пилла қурти ашёси. 20. Зиравор. 21. Уй ҳайвони. 26. Хорижда юқори давлат органлари. 27. Маъмурий-ҳудудий бўлинма. 28. Узум нави ёки шаҳар. 29. Фурсат... 30. Бир уя устида минг ари (топишмоқ). 35. Моддалар ўртасидаги ўзаро таъсир. 37. Балиқ билан озиқланувчи қуш. 39. Қадимий транспорт воситаси. 40. Доно аёл. 44. Хабар етказувчи сувори. 47. Сувоқликка электр ўтказиш воситаси. 48. Мусулмон оламига танилган муҳаддислардан бири, ватандошимиз. 50. Ҳаво, буғни сиқиб дамлаш учун белгиланган машина. 52. «Ҳидоя» нодир асарини ёзиб қолдирган аллома. 55. Судралиб юрувчи жонивор. 56. Тақинчоқ, заргарлик буюми. 58. Россия ҳудудидаги тоғ. 59. Кун. 64. Кичик миқдордаги узунлик ўлчови. 65. Бўлғуси депутат. 66. Японларнинг миллий кийими. 67. Ўзбек мумтоз куйи. 68. Қовун нави. 73. Денгиз жонивори. 74. Киши ихтиёридаги бойлик мажмуи.

***Фозилжон ОРИПОВ.***






**РЕСТОРАНДА**

— Официант, айтинг-чи, менга кофе мумкинми?

— Мен сизга шифокорманми? Мумкин ё мумкин эмаслигини қаердан биламан.

**ЙЎҚОЛГАН ШИШАЛАР**

Бир пиёниста иккинчисига шикоят қилаяпти:

— Биласанми, уйимга ўғри оралади. Ҳар куни сервантга ароқ қўяман йўқолади, ароқ қўяман йўқолади.

— Уйингда сервант йўқ эди-ку.

— Нега йўқ? Киришинг билан ўнг қўлдаги ойнаванд жой бор-ку?

— Э, у ахир дераза-ку.

## Бекажон

- Ҳом картошкани иккига бўлинг. Унинг ярмини бироз ушлаб турсангиз суви чиқади. Мана шу сув билан эшик тутқичларидаги доғларни бемалол артиб ташласангиз бўлади.
- Гулқоғозлар ёпиштирилган ёки елимли бўёқ билан бўялган деворларни ҳам тозалаш мумкин. Бунинг учун сизга дастаси узун чўтка ва қуруқ, юмшоқ мато зарур бўлади. Латтани чўткага яхшилаб ўранг. Сўнгра девор бўйлаб беозоргина юргизинг. Латта ифлосланган заҳоти уни яхшилаб қоқиб ташланг, бошқа томонини ағдариб, яна чўткага ўранг. Шу тариқа ишни давом эттираверасиз.
- Паркет поллардаги ёғ теккан жойларнинг устига ёғсиз кукун сепинг, сўнгра устига оппоқ қоғоз қўйиб, яхшилаб дазмолланг. Полингиз топ-тоза бўлади.

***Матлуба МАҲМУДХЎЖАЕВА тайёрлади.***

## Об-ҳаво

Об-ҳавони кузатиш бош бошқармасидан хабар қилишларича, 28 февраль-3 март кунлари пойтахтимиз ва Тошкент вилоятида об-ҳаво ўзгариб туради. Шу даврнинг ўрталарига бориб айрим ҳудудларда қисқа муддатли ёғингарчилик бўлиши эҳтимоли бор.

Ҳарорат кечалари бироз пасайиб, 0-5 даража иликликдан 3 даража совуқ, 2 даража илиқ, кундуз кунлари 11-16, кейинчалик эса, 5-10 даража илиқ бўлиши кутилади.

Мария Максимовна Юракова номига 1993 йил 28 июнда берилган 04-02/16519 рақамли мулкка эгалик ҳуқуқини берувчи давлат ордери йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Низомий номли Тошкент давлат педагогика институти томонидан 1975 йилда Сурайё Саидовна Саидазизова номига берилган Я № 991838 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

TOSHKENT HAQIQATI
*Муассис:* ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

*Бош муҳаррир* **Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ**

*Телефонлар:* Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48 Эълонлар: 133-40-48, 136-57-27.

*Манзилимиз:* 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот кўмитасида № 8 рақам билан рўйхатга олинган

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Буюртма Г-2004. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Музаффар ҚЎЧҚОРОВ.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: якка обуначилар учун — 205, ташкилотлар учун — 206. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 19.05. 1 2 3 4 5 6